

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ШАРОИТИДА МАЊНАВИЙ-РУХИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ**

**Аслонов Бахтиёр Бобоқулович**

*Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси*

**СУТЬ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЙ ПОДГОТОВКИ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ**

**Аслонов Бахтиер Бабакулович**

*старший преподаватель Бухарского инженерно-технологического  
института*

**THE ESSENCE OF SPIRITUAL AND SPIRITUAL PREPARATION IN EMERGENCY  
SITUATIONS**

**Aslonov Bakhtiyor Babakulovich**

*Senior lecturer, Bukhara engineering and Technology Institute*

**Аннотация:** ушбу мақолада фавқулодда вазиятлар шароитида мањнавий-рухий тайёргарликнинг моҳияти ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазият, табиий оғатлар, авария, уруш даври, мањнавий-рухий тайёрлаш, ваҳима, қўрқув, ўтдан қўрқиши, баландликдан қўрқиши, сувдан қўрқиши, фуқаро муҳофазаси, қутқарув ишлари, эвакуация.

**Аннотация:** в данной статье представлена информация о сущности духовного воспитания в чрезвычайных ситуациях.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, стихийные бедствия, авария, военный период, духовная подготовка, паника, страх, боязнь огня, боязнь высоты, боязнь воды, гражданская защита, спасательные работы, эвакуация.

**Annotation:** this article provides information about the essence of spiritual and spiritual training in emergency situations.

**Keywords:** emergency, natural disasters, accident, war period, spiritual preparation, panic, fear, fear of fire, fear of heights, fear of water, civil protection, rescue work, evacuation.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиё ҳудудида ҳам табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар сони тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимларининг ўрни кучайиб боради. Бу тизим тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамлар, иқтисодиёт, ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаб беради. Аммо бу таъминотга фақатгина фуқаро муҳофазаси фаолияти, жумладан раҳбарлар ва тузилмалар шахсий таркибининг

тайёргарлиги, аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича билимларини ҳар томонлама такомиллашиб бориш билангина эришиш мумкин [1].

Тайёргарликнинг асосий йўналишларидан бири фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш ҳисобланади. Инсоннинг фавқулодда вазият шароитига тушиб қолиши доимо унинг руҳиятига кучли таъсир қиласди. Тиббиёт статистикаси маълумотларига кўра ҳалокатли фавқулодда вазиятлардан сўнг кўпчилик оғир руҳий жароҳат олади ва руҳий муолажага муҳтож бўлади [2].

Руҳшунос олимлар ҳам бундай тайёргарликнинг жуда муҳимлиги ҳақида гапирадилар. Улар ҳайратомуз рақамни келтирадилар: ҳарбий қисмлар жанговорлик қобилиятининг 65% аскарларнинг психофизиологик ҳолатига боғлик экан [3].

*Фавқулодда вазиятлар шароитида маънавий-руҳий тайёргарлик моҳияти.* Бу ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, одамлар юриш-туришда, муомалада амал қиласидиган тамойиллар, меъёрларнинг мажмуидир. Бу меъёрлар одамларнинг бир-бирига ва инсоний бирликнинг турли шакллари (оила, меҳнат жамоаси, миллат)га муайян ифодасидир.

Одамларнинг руҳий чиниқканлиги ваҳимали кайфият ривожланиб кетишига тўсқинлик қиласди, дадиллашиб, бор иродасини тўплаб, содир бўлган вазиятдан чиқиб кетишининг тўғри, мақсадбоп йўлини топиш имкониятини беради. Акс ҳолда саросимага ва ваҳима устунлик қилиб кетади [4, 5].

Ҳатти-ҳаракатларга ва уларнинг сабабларига маънавий (ахлоқий) баҳо бериш маънавиятнинг ўзига хос бир жиҳатини ташкил этади. Жамиятда, аҳолининг муайян бир қатлами орасида яхшилик ва ёмонлик ҳақида, бурч, виждон, виждонсизлик тўғрисида ташкил топган тасаввур бундай баҳо беришга асос бўлиб жамиятнинг мана шу тушинчаларда ифода этади.

Бўнинг ҳуқуқ тушинчасидан фарқи шундаки, маънавият тамойил ва меъёрлари давлат қонунчилигида қайд этиб қўйилмай, уларга риоя қилиш қонунга эмас, балки виждонга ва жамиятчилик фикрига асосланган бўлади.

Тошкент зилзиласи 8 баллга яқин бўлиб 10 сония давом этган биринчи силкиниш 1966 йил 26 апрел куни маҳаллий вақт билан соат 5.23 да қайд этилган эди. Зилзилада қурбонлар деярли жуда кам бўлган. Шундай бўлса ҳам дастлабки силкинишнинг эртасидан Тошкент аҳолисининг 11% да реакция ҳолати сақланиб турган [6].

Ёнғин, газ портлашлари жуда оғир оқибатларга олиб келади. Ҳозирги вақтда бунга террорчилик ҳаракатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқотчи-психологлар П. Хочкинсон ва М Стюарт “Ҳалокатда омон қолиш” номли китобларида ёзишларича, кўпчилик учун ёнғин вақтида унинг алангаси дўзах ўти бўлиб туюлади. Эҳтимолки, ёнғин вақтида одамларни қайсиdir бошқа хавфли вазиятдагидан кўра кўпроқ ваҳима босади. Бу хавфли ҳодисанинг хусусияти аввал ваҳима қилиб қочишдан иборат. Бу одамнинг хавфли вазиятдан қочиб қутилишга уринишидан бошқа нарса эмас. Одам ҳамма нарсани үнитиб, ҳеч ким билан

хисоблашмайди, асосий мақсад бутун вүжудини қамраб олган, баъзан мутлақо асосиз қўрқувдан қутилиш бўлади.

Ёнғиндаги вазиятни одам ўзининг омон қолишига тўғридан-тўғри таҳдид деб тушинади, баданни муздек тер бостириб юборадиган, қаттиқ қўрқув ҳисси пайдо бўлади, фожиа бир зумликина бўлиб туюлади, мияда эса ҳаракат қилиш керак, деган фикр туғилади [7].

Фуқаро муҳофазасида руҳий тайёргарлик – бу одамларда руҳан чидамлиликни шакллантириш ёки қўйилган вазифаларни бажариш, тинчлик ва уруш вақтидаги хавфли вазиятларда фидокорона ҳаракат қилиш қобилитини кучайтиришдаги хислатларини ҳосил қилиш демакдир [8].

Фавқулодда вазиятлардаги ҳатти-ҳаракатларга тайёrlаш соҳасидан бир нечта мисоллар келтирамиз.

“Ўтдан қўрқиш”ни енгиш. Одам сакраб ўта оладиган кенглиқда узун завур қазилади. Унда ишлатиб бўлинган солярка ёки бошқа ёнадиган суюқлик тўлдириб, ёқиб юборилади. Олов девор ҳосил қилиб ёнаётганда, таълим олаётганлар муҳофаза кийимларини кийиб сакраб, шу олв деворидан ўтадилар. Бунда, ҳар эҳтимолга қарши, олов деворнинг икки томонидан сув шланглари ушлаган одамлар туришади.

“Баландликдан қўрқиш”ни енгиш. Ходалардан тўрт қаватли уй макети қурилади. Баландликда хода устида машқ қилинади. Машқ қилаётганлар хавфсизлик камарини боғлаб оладилар ва улар баланд минорага чиқиб, ундан қутқариш арқони ёрдамида пастга тушадилар.

“Сувдан қўрқиш”ни енгиш. Сувли тўсиқ устига узунлиги 100 метрли тебранма кўпrik қурилади. Таълим оловчилар шу кўпrik устидан юриб, сув тўсиқларидан ўтадилар [9, 10].

Тайёргарликнинг бундай усулда олиб боришда одамларда фавқулодда вазият юз берганда эсанкираб қолмаслик, чидам ва мардлик кўрсатиш ҳиссини шакллантиради.

Машғулотлар ва ўқув машқларини юқори савияда, кечаси ва кундузи, мураккаб об-ҳаво шароитларида, заҳарланиш зоналаридан ўтиб, вайронга уюмларини саронжамлаб, ёнғинни ўчириб ва ҳ.к. ўтказишлари керак. Фақат шундай йўл билангина қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатиш, одамларда зарур бўлган маънавий-руҳий хислатларни шакллантириш мумкин [11].

1984 йил март ойида Газли зилзиласи вақтида Когондан келган санитар дружиначилари фидокорона ҳаракат қилдилар. Бироқ, уларнинг айримлари қон оқиб турган ярани ва бошқа турдаги жароҳатларни кўриб қўрқиб кетган эдилар. Бу санитария дружиначиларининг сардори тўғри қарорга келди, яъни тегишли ташкилотлар билан келишиб, сандружиначиларни навбатчилик қилишга тез тиббий ёрдам пунктларига юборди. У ерда сандружиначилар керакли хислатларни ўзларида ҳосил қилишлари учун даволаш профилактик тадбирларига ёрдам беришди. Бу эса ўз навбатида ижобий натижага берди.

Фуқаро мұхофазасининг мұхим вазифаларидан бири бу – тинчлик ва үруш пайтларида фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт обектларини ва ақолини мұхофазасини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро мұхофазаси тизимининг мустаҳкамлиги ақолини нормал ҳаёт кечиришини таъминлашнинг эң асосий манбаидир. Фуқаро мұхофазаси умумдавлат тадбирлар тизимининг ишончли қисми бўлиб ҳисобланади [12].

Фуқаро мұхофазаси тузилмаларида маънавий-руҳий тайёрловнинг асосий вазифаси бу фуқаро мұхофазасига қаратилган давлат қарорлари талабларини таъминлашдир.

Фуқаро мұхофазасида маънавий-психологик тадбирларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат [13]:

- фуқаро мұхофазаси тузилмалариниг шахсий таркибиға ва ақолига фавқулотда иқтисодиёт обектларини нормал ишлшини таъминлаш ва халқнинг нормал ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳақида давлатнинг қарорлари ва сиёсатини тушунтириш;
- фуқаро мұхофазаси тузилмалари – шахсий таркиби ва ақолини Ўзбекистон Республикаси халқининг анъаналари бўйича тарбиялаш;
- шахсий таркибда юксак даражадаги маънавий-руҳий ҳусусиятларни: мардлик, ўзини ушлай билиш, жасурлик, ботирлик, фаросатлилик, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- фавқулотда вазиятларда иқтисодиёт иншоотларини мұхофаза қилиш каби тадбирларга шахсий таркибни тайёрлаш;
- фуқаро мұхофазаси шахсий таркибиға фавқулодда вазиятларда мұхофаза қилиш усул ва воситаларни тушунтириш;
- фуқаро мұхофазаси шахсий таркибларини ўз вақтида қуткарув ишларини ва бошқа ишларни олиб бориш учун фойдаланиладиган техникани ўргатиш;
- заарланганда ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам кўрсатиш үсулларини ва воситаларини ўргатиш;
- радиактив моддалар, заҳарли моддалар, бактериал воситалар ва бошқа кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан заҳарланганда, қисман санитария ишловини олиб боришини ўргатиш [14].

Маънавий-руҳий тайёрлаш үсуллари:

- давра сұхбатлари ўтказиш;
  - доимий равишда бошқарув кадрларни шахсий таркиб ва халқ билан мулоқотда бўлиш;
  - фуқаро мұхофазаси тузилмалари ва аҳоли ўртасида мусобақалар ўтказиш.
- Холоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фуқаро мұхофазаси вазифаларини мұваффақиятли бажарилишини фақатгина, олдиндан, пухта ўюштирилган маънавий-руҳий тайёрлаш натижасида эришиш мумкин.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Nigmatov I., Tojiyev M, X."Favqulotda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011.-260 b.
2. Tursunova N.N. First and measures organization. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology (IJIERT). Volume 7 – Issue 4, April 2020. P. 243-245.
3. Турсунова Н.Н. Загрязнение воздушного пространства – угроза экологической безопасности в Узбекистане. “Техника и технология пищевых производств” Материалы XII Международной научно-технической конференции (Могилёв, 19–20 апреля 2018 года) Том 2, с. 425-426.
4. Tursunova N.N. Research of the process of storage of soyben based on system thinking. International Journal of Advanced Science and Technology. Volume 29, №7 2020. P.11764- 11770 (<http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/27848>).
5. Tursunova N.N. Study of physical and chemical parameters of soybean grain during storage. IOP Conf. Series: Earth and Environmental Sciens 848 (2021) 012184 doi:10.1088/1755-1315/848/1/012184.
6. Tursunova N.N. The essence of emergency preparedness, ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137. Vol. 12, Issue 11, November 2022. P. 103-108.
7. Турсунова Н.Н., Тешабоев А.М. Адаптация учащихся к экстремальным ситуациям в природе. “Техника и технология пищевых производств” Материалы XII Международной научно-технической конференции (Могилёв, 19-20 апреля 2018 года) Том 2, с. 415-416.
8. Турсунова Н.Н. Действия населения при стихийных бедствиях. «Aholini zilzilaga tayyorlashda ilg'or xorij tajribasidan foydalanish istiqbollari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. T. – 2022. 150-157 b.
9. Tursunova N.N. The essence of spiritual and spiritual preparation in emergency situations. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, ISSN: 2249-7137 Vol. 12, Issue 11, November 2022, SJIF 2022 = 8.252.
10. Турсунова Н.Н. Агрометеорологические условия выращивания пшеницы в Узбекистане. “Вопросы науки и образования” elecrtonic journal, июнь 2017 №6 (7). с. 45-46.
11. Турсунова Н.Н. Биотехнологический потенциал и пищевая безопасность семян масличных сортов подсолнечника в Узбекистане. Universum: технические науки: научный журнал. – № 7(100). Часть 2. М., Изд. «МЦНО», 2022. С. 65-68.
12. Турсунова Н.Н. Чрезвычайные ситуации экологического характера и их последствия. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-sod, 20.11.2022 y. С. 297-302.
13. Турсунова Н.Н. Катастрофические просадки, возникшие в результате выработки недр при добыче полезных ископаемых и иной деятельности человека/

O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-son, 20.11.2022 y. C. 321-324.

14. Турсунова Н.Н. Проблемы возникновения транспортных катастроф и аварий. Международный научный журнал «Научный импульс», № 4 (100), часть 2, Ноябрь, 2022. С. 1003-1007.